Гос. книжная палата УзССР
2-1 697

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

22 май, пайшанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. | № 110 (1627)

## ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР -- ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТАҚОЗОСИ

**Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.**

Учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашилди.

Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этяпмиз, деди Президент. Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши даркор. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифадир.

Хўш, бу вазифа бугунги кунда қай даражада ҳал этилмоқда?

Унинг долзарблиги нималарда намоён бўлади?

Ўзбекистон XX асрнинг охирги ўн йиллигида мустақилликка эришиб, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди. **Бу йўлнинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролар жамиятини қуриш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборатдир.** Мана шу мақсадимиз қабул қилинаётган фармонлар, ҳукумат қарорлари, қонунлар орқали одамларга етиб боряптими, халқимиз ислоҳотларнинг моҳиятини теран тушуниб етяптими, масаланинг муҳим жиҳатларидан бири ана шу саволларга жавоб топишдан иборат.

Бунга эришиш учун қандай шартларга амал қилишимиз, ҳаракатимиз замирида қандай асослар бўлиши керак? Бунда, биринчидан, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш тақозо этилади. Токи, одамлар ислоҳотларга қизиқишини намоён эта олсин. **Унинг кузатувчиси ёки иштирокчиси эмас, балки бевосита ижрочиси сифатида юқоридаги олий мақсадни англаб етсин.** Зеро, биздан озод ва обод ватан қолсин, деган шиоримиз одамларнинг онгига теран сингиб борса, улар танлаган йўлимизни чин юракдан қўллаб-қувватласагина, саъй-ҳаракатларимиз кутилган самарани бериши мумкин, деди Ислом Каримов.

Бунга қандай эришилади, аввало, аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожланиши учун зарурдир. Чунки ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади. Бунга 90-йиллар бошида мамлакатимизда рўй берган вазиятни мисол келтиришимиз мумкин. Шундай экан, юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки биздан кейин келадиган авлодлар учун ҳам зарурдир.

Мамлакатда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун **уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда, ана шу уч субъект -- давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади.** Улар бир-бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва фаровонликнинг зарур шарти ва муҳим омилидир.

Шўро замонида давлат ўз ҳуқуқини яхши билган ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилган, давлат манфаатлари жамият ва инсон манфаатларидан доимо юқори қўйилган. Бизнинг Конституциямизнинг ўзига хос жиҳати, эски қонунлардан фарқи шундаки, унда инсон ҳуқуқини таъминлаш устувор йўналиш қилиб белгиланган. Лекин кўпгина одамлар ўша эски мафкура асоратларидан жуда секинлик билан халос бўлмоқда. Бу, афсуски, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлаётган ходимларга ҳам тегишлидир. Чунки улар ҳам ўша эски мафкура асосида, ўша замон олий ўқув юртларида таълим олган, тарбияланган. Бунда уларни, маълум маънода, айблаб бўлмайди, аммо янги тафаккурнинг улар онгига ғоят секин сингиши, дунёқарашлари кескин ўзгармаётганини айтиб ўтишга тўғри келади.

Жамият ҳуқуқи масаласига келсак, мамлакатимизда уни шакллантириш ва рўёбга чиқариш борасида жиддий ишлар қилинди, деди давлатимиз раҳбари. Бир неча сиёсий партия ва ҳаракатлар, кўплаб жамоат ташкилотлари, маҳаллалардаги ўз-ўзини бошқариш органлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Жамиятимизда кўп партиялилик қарор топди, сўнгги парламент сайловлари шу асосда ўтказилди. Буларнинг барчаси жамият ҳуқуқи пухта ҳимоя қилинаётганининг далилидир.

Учинчи, таъбир жоиз бўлса, энг муҳим субъект -- инсоннинг ҳуқуқини таъминлаш бутун дунёда долзарб ва мураккаб муаммо, ҳар бир давлатнинг муқаддас вазифаси бўлиб келган. Чунки инсон ҳуқуқи тушунчаси жуда кенг бўлиб, унга нисбатан қарашлар ҳам хилма-хилдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бу борада ҳам жаҳон тажрибасига таянган ҳолда кўп ишлар амалга оширилди. Зарур қонунчилик ҳужжатлари, хусусан, Фуқаролик процессуал ва Жиноят процессуал кодекслари қабул қилинди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Эндиги вазифа ана шу қонунлар моҳиятини аҳоли кенг қатламларига етиб боришига ва мазкур ташкилотлар таъсирини ҳар бир фуқаро сезишига, ҳис этишига эришишдан иборатдир. **Ўзбекистон инсон ҳуқуқини таъминлаш борасида дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслиги керак.** Бунинг ҳам сиёсий, ҳам инсоний жиҳатдан нечоғлик аҳамиятга эга эканини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бу масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш демократиянинг асоси ҳисобланади. Бизга демократияни ўргатишга интилувчилар кўп бўлди. Улар орасида ўзимиздан чиққанлар ҳам бор эди. Лекин биз бу борада ҳам ўзимизга хос йўлдан бордик. Яъни, **биз демократиянинг умумий тамойилларига қатъий амал қиламиз. Айни чоғда жамиятни демократиялаштиришда халқимизнинг ўзига хослигини, миллий тафаккурни инобатга олмоғимиз даркор.** Эркин демократик жамиятга босқичма-босқич ўтиш орқали борамиз. Ҳеч бир мамлакатда демократия бир кунда қарор топган эмас. Биз улар босиб ўтган ўн йилликларни балки тезроқ босиб ўтармиз. Лекин бу ишда ҳеч кимдан, ҳатто демократия энг ривожланган мамлакатлардан ҳам нусха кўчириб бўлмайди, дея таъкидлади юртбошимиз. Шошма-шошарлик эса демократик тамойилларнинг обрўсини тушириб қўйиши, мутлақо тескари натижалар бериши мумкин. Буни айрим қўшни давлатлардаги вазият, хусусан, қуролли можаролар, одамларнинг бир неча ойлаб маош олмаслиги каби ҳолатлар кўрсатиб турибди. Бунинг асосий сабаби эса ҳуқуқий тафаккурнинг етишмаслигидир. Биз эса демократик тамойилларнинг одамлар онгига сингиб боришига, ҳуқуқ ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлишига эришмоғимиз даркор. Қонунларнинг вазифаси мана шулардан иборатдир.

Бунинг учун эса қуйидаги жиҳатларга аҳамият бермоқ лозим. Биринчидан, халқимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, қонун, қарор қабул қиляпти, бундан тўла хабардор бўлиши керак. Иккинчидан, айниқса инсон ҳуқуқига дахлдор ҳужжатларни ҳар бир одам юрагидан ўтказиши, бу қонунлар унинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаб етмоғи лозим. Учинчидан, тайёрланаётган қонунлардан ҳам аҳоли хабардор бўлиши, яъни уларнинг қандай ишланаётгани жамият назоратида туриши зарур. Энг муҳими, давлат бошқарувида, қонунларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг кенг иштирок этишига эришиш даркор. Шунда қонунларимиз инсон ҳуқуқини таъминлашга, бошқача айтганда, халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

Бу борада матбуот, радио ва телевидение кўп иш қилиши керак. Токи қонунлардан, амалий ишлардан аҳоли ўз вақтида хабардор бўлсин. Муҳим қонун ҳужжатларини алоҳида китобчалар ҳолида нашр этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки улар фақат мутахассисларга эмас, барчага етиб бориши лозим.

Ҳар бир ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқлиги сир эмас, деди Ислом Каримов. Шунинг учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бермоқ зарур. Лекин ҳозирги юридик олий ўқув юртларида ёшларга таълим бераётган профессор ва ўқитувчиларимизнинг ўзи эски замон дастурларида ўқиган бўлса нима қилмоқ керак? Улар ҳамон ўша дастур ва дарсликлар асосида сабоқ берса, ёшларимизни қандай қилиб замон талабларига мос мутахассис этиб тарбиялаш мумкин? Демоқчиманки, эски дастур ва дарсликлар ўрнига янгиларини яратиш шарт. Тўғри, бу ишлар бошланган, лекин уларни тезлаштириш лозим. Зарур бўлса чет эл мутахассисларини таклиф этиш керак. Бу тажриба жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида яхши самара беряпти-ку. Хуллас, эски пойдевор, замин асосида малакали юристлар тайёрлаб бўлмаслигини англаш вақти аллақачон етган.

Мухтасар айтганда, **халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим, деди Президент. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади.** Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир, деб қайд этди юртбошимиз.

Мулоқот чоғида ҳаётимизнинг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, давлат, жамият ва фуқаро манфаатлари уйғунлигини таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Президент уларни бажариш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берди. Давлатга қарашли бўлмаган аҳоли ижтимоий фикрини ўрганиш марказини, вилоят ва туманларда унинг бўлимларини, Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил этиш, уларни замонавий жиҳозлар ва юксак малакали, маърифатли мутахассислар билан таъминлаш шулар жумласидандир. Шунингдек, Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқшунос мутахассисларга замонавий таълим бериш маркази, аҳоли мурожаатлари билан шуғулланадиган махсус бўлим ташкил этилади. Аҳоли ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқиш лозим топилди.

Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, адлия вазири С. Мирсафоев, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директори А. Саидов, Конституциявий суд раиси Б. Эшонов, Тошкент юридик институти ректори Ҳ. Бобоев ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, Т. Орипов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Президентнинг Матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст, Президент девони Ахборот маркази раҳбари А. Кўчимов иштирок этди.

**Аҳмад ХЎЖА, (ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН -- ГЕРМАНИЯ:*

## ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Германия Федератив Республикасининг оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон билан инвестициявий ҳамкорлик бўйича иқтисодий симпозиумни ўзбек-герман алоқаларига янги куч-ғайрат бағишловчи муҳим воқеа сифатида баҳоладилар. Ушбу симпозиум 20 май куни Берлиндаги Халқаро конгресс-марказда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз нуфузли делегациясининг симпозиумда иштирок этиши ГФР йирик компаниялари, фирма ва банклари раҳбарлари эътиборини жалб этди. Улар Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро фойдали алоқаларнинг бундан буён янада чуқурлашувидан манфаатдордирлар.

Германиянинг Ўзбекистонда ишлаб тажриба орттирган ишбилармон доиралари вакиллари симпозиумда сўзга чиқиб, унинг иштирокчиларига республикамизда вужудга келтирилган қулай инвестициявий вазият, миллий қонунлар асосида хорижий инвесторларга яратиб берилаётган кафолат ва имтиёзлар ҳақида гапириб бердилар. Шунингдек, улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор муносабатларига оид янгиланишларнинг сезиларли натижаларини таъкидладилар.

Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ва делегациямизнинг бошқа аъзоларининг симпозиумдаги нутқларида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, республикада бозор инфратузилмасини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз борди.

Амалий вазиятда ўтган симпозиум ишида ГФР Молия вазирлиги, «Дойче Банк», «Берлинер банк», мамлакатнинг ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этдилар.

Ўша куни Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари «Вемекс Хандель Гмбх», «Хобас», «Маннесман» фирмаларининг раҳбарияти билан музокаралар ўтказдилар. Берлин шаҳри магистратига ташриф буюрдилар.

Мамлакатимиз делегациясининг ГФРга ташрифи давом этмоқда.

**Б. МАМАЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА махсус мухбири.**
**Берлин.**

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ НЕФТГАЗ САЛОҲИЯТИ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ҲУРМАТЛИ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИ!

Мен сизларни қадимий ва абадий навқирон Ўзбекистон диёрида қутлаётганимдан астойдил хурсандман. Ўзига хос ва мос иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олган республикамиз белгиланган мақсад -- иқтисодиёти ижтимоий соҳага йўналтирилган демократик жамият барпо этиш сари комил ишонч билан олға бормоқда. Диёримиздаги тинчлик ва осойишталик иқтисодиётнинг янги устувор тармоқларини ривожлантириш учун кенг истиқболлар очмоқда.

Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган салкам олти йил нефтгаз комплексини ривожлантиришда бурилиш йиллари бўлди. Ноёб ёқилғи-энергетика ресурсларига эга бўлган Ўзбекистон бугунги кунда жаҳондаги газ ва конденсат ишлаб чиқарувчиларнинг етакчиларидан бири ҳисобланади. Мана шу энергия манбаларининг катта-катта заҳиралари ўзимизнинг эҳтиёжларимизни тўлиқ таъминлабгина қолмай, шу билан бирга уларни экспорт қилиш имконини ҳам беради. Ўзбекистон ҳудудининг 60 фоизга яқини уларни қазиб олиш учун истиқболли ҳисобланади.

Эндиликда бу -- сармоя қўйишнинг энг манфаатли соҳаларидан биридир. Ҳозирги вақтда хорижий компанияларнинг фаол иштироки билан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Кўкдумалоқ конидаги жараён -- сайклинг учун компрессор станцияси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Бутун минтақада буларга тенг келадиган иншоотлар йўқ. Шўртан конидаги газ-кимё комплексида ва Хўжаобод ер ости газ омборида йирик қувватлар қурилиши фаол давом этмоқда. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тубдан қайта қурилмоқда.

Бизнинг катта миқёсли лойиҳаларимизга сармояларини ўзаро манфаатли асосда қўяётган хорижий фирмалар, компаниялар ва корпорациялар учун Ўзбекистонда барча қулай шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Азиз дўстлар!

Ишончим комилки, «Ўзбекистоннинг нефтгаз салоҳияти» халқаро конференцияси ўзаро ҳамкорликнинг янги уфқларини очади, шерикларга хос алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ўз ишини бошлаётган анжуманнинг барча қатнашчиларига кўзда тутилаётган вазифаларни рўёбга чиқаришда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## «ОМОНЁР»ЛАР ЯНГРАЁТГАН ЮРТ

### Бугун Тошкентда XII Халқаро кинофестиваль очилади

XALQARO KINOFESTIVALI TOSHKENT-97 INTERNATIONAL FILM FESTIVAL



**Байрамлар бор бўлсин-да. Кечагина қутлуғ Наврўзни, сўнг муқаддас Қурбон ҳайитини бутун мамлакат аҳли тантанали нишонлаган эди. Бугун эса...**

**Кино-ҳаётнинг бир парчаси. Усиз на кечани, на бугунни, на эртани тасаввур қилиб бўлади. Тарихнинг ҳар бир лаҳзаси, куни-ойи, йили киноленталарда «тирилади». Биз бу жонли тасвирларда ўзимизнинг кечмишимизни кўриб... гоҳ ҳайратга тушамиз, гоҳ армонимиз ортади. Шул боис ҳам Тошкентда тантанали суратда бошланаётган халқаро кинофестиваль бутун дунё киночилари қатори, барча фан ва маданият аҳлларининг ҳам диққат эътиборини қаратаётир. Ахир бир замонлар Тошкентда ўтган кинофестивалларнинг довруғи қанчалаб қитъалар оша таралган эди. Лекин у пайтлар бизлар бошқа осмон остида яшардик. У осмоннинг булутлари хирароқ, қолаверса, кимларнингдир қош-қовоғига қараб ўтирардик. Шу ўринда ўша кинофестивалларга ташриф буюрган хорижлик киночилар ҳам Москванинг чиғириқларидан безор бўлишар, афсуски, ўз дардларини айтолмай кетишарди. Бугун-чи?**

**Нуфузли анжуман меҳмонлари рўйхатига нигоҳ ташлаймиз: Япония, Хитой, Германия, Италия, Америка, Греция, Франция, Малайзия, Туркия, Ҳиндистон... Қай бирини санаймиз? Уларнинг сони ўттиздан ошиб қолди. Кечадан бери эса «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олди байрамга айланиб кетди. Аэропортдан бошланган тантаналар бутун Тошкентга ёйиляпти.**

**Айниқса, мезбонларни айтмайсизми?!. Юз-кўзлари ҳаяжонга тўлган меҳмонларни кутиб олаётиб... салгина ийманиброқ қўл узатсак, улар бирдан қучоқларини очишганини кўриб бошимиз осмонга етади. Улар суюниб-суюниб «Ўзбекистон! Тошкент!» дея ҳайқиришади. Бу катта тўйнинг бошланиши-да!**

**Биз бўлсак, шошилинч саҳифаланаётган газетамиз учун «экспресс-интервью» уюштиришга шошиламиз. Аввало, юртдошларимизнинг кўнглини билгимиз келади:**

**(Давоми 4-бетда).**

*МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧЛАРИ*

## КЎРГАЗМА ИККИ КУН ДАВОМ ЭТАДИ

**21 май куни пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да «Нефть ва газ-97» халқаро кўргазмаси очилди.**

Мазкур йирик халқаро тадбир «Ўзбекнефтегаз» корпорацияси, республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Буюк Британиянинг «Эй-Ти-Й» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, «Ўзбекнефтегаз» корпорацияси раиси Қ. Ҳаққулов очди.

-- Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, -- деди, жумладан Қ. Ҳаққулов кўргазма очилиши маросимида. -- Табиийки, бу борада энергетика соҳаси, хусусан, нефть ва газ саноати муҳим ўрин тутади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатимиз мазкур соҳада юқори салоҳиятга эга. Маълумки, собиқ иттифоқ пароканда бўлгач, МДҲ давлатларининг аксариятида нефть ва газ қазиб олиш суръатлари кескин пасайиб кетди. Мамлакатимизда эса ўтган давр мобайнида нафақат олдинги кўрсаткичларни сақлаб қолишга, балки уларни мунтазам равишда ошириб боришга эришилди. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда нефть қазиб олиш 1991 йили 2 миллион 952,5 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1996 йилга келиб бу кўрсаткич 7,5 миллиондан ошиб кетди. 1991 йили мамлакатимизда 41 миллиард куб метрдан ортиқ газ қазиб олинган эди. Ўтган йили бу рақам 48 миллиард куб метрдан ошиб кетди.

Айни пайтда юртимизнинг қайси бир ҳудудида бўлмайлик, улкан иншоотлар қурилишига гувоҳ бўламиз. Ана шундай иншоотларнинг бири -- Франциянинг «Текнип» ҳамда Японияннинг «Марубени-жей-си» компаниялари билан ҳамкорликда Бухорода қурилаётган нефтни қайта ишловчи улкан корхона қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Уни июль ойида ишга тушириш режалаштирилган. Яқин келажакда бу ерда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган бензин, дизел ҳамда авиация ёқилғилари ишлаб чиқарила бошлайди. Шунингдек, Шўртангаз мажмуасини барпо этиш, Кўкдумалоқдаги улкан газ компрессор заводи қурилиши, Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш ишлари ҳам айни пайтда жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Кўргазмада шунингдек, энергетика соҳасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон корхоналари билан бир қаторда АҚШнинг «Юнокал», «Мобил», «Америкаи инжиниринг инк», Италиянинг «Агип опа», Швециянинг «Агема инфаред системс аб», Саудия Арабистонининг «Делта ойл», ХХР миллий нефтегаз корпорацияси, Буюк Британиянинг «Интерарм» каби етмишдан ортиқ фирма ва компанияси ўзларининг мазкур соҳада эришган ютуқлари намуналарини намойиш қилмоқда.

Кўргазма икки кун давом этади.

**(ЎзА).**

УШБУ СОНДА:

2-бет — БАНК ИШИ ВА МОЛИЯЛАШ

3-бет — МАЪНАВИЯТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ

4-бет — ЖАҲОНГАШТА БОБУРШУНОСЛАР

